

ПЕДАГОГИК ВА
ПСИХОЛОГИК
ТАДҚИҚОТЛАР

МАРТ, 2023

3-СОН



**PEDAGOGICAL AND
PSYCHOLOGICAL STUDIES**

**ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ И ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ
ИССЛЕДОВАНИЯ**



ISSN: 2181-4066
DOI Journal 10.56017/2181-4066

ПЕДАГОГИК ВА ПСИХОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР

I-ЖИЛД, 3-СОҢ

ПСИХОЛОГИЧЕСКИХ И ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-I, НОМЕР-3

PEDAGOGICAL AND PSYCHOLOGICAL STUDIES

VOLUME-I, ISSUE-3

ТОШКЕНТ - 2023

ПЕДАГОГИК ВА ПСИХОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР

ПСИХОЛОГИЧЕСКИХ И ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЙ | PEDAGOGICAL AND PSYCHOLOGICAL STUDIES

№ 3 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.56017/2181-4066-2023-3>

Бош муҳаррир:

Нишонова З. – психология фанлари доктори, профессор

Масъул муҳаррир:

Давлатов О. Ғ. – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори

Таҳририят аъзолари:

Абдужаббарова М. – педагогика фанлари номзоди, доцент
Абдурахимов Қ. – психология фанлари бўйича фалсафа доктори
Акмалов А. – педагогика фанлари номзоди, доценти
Акрамова Ш. – педагогика фанлари доктори, профессор
Алиев М. – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори
Джураев Д. – педагогика фанлари доктори
Душанов Р. – психология фанлари номзоди, доценти
Негматовна Г. – педагогика фанлари номзоди, доцент
Разакова Р. – психология фанлари бўйича фалсафа доктори
Тожибоева Г. – психология фанлари бўйича фалсафа доктори
Тожибоева Г. – психология фанлари бўйича фалсафа доктори
Тўйчиева С. – психология фанлари номзоди, доцент

Мазкур фанлараро илмий-амалий журнал Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2022 йил 22 декабрь куни № 054834-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Саҳифаловчи\Page Maker\Верстка: Абдурахмон Хасанов

Таҳририят манзили: <https://imfaktor.uz>, 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2/27-уй.

Телефон номер: +99894-410 11 55, E-mail: tahririyat@imfaktor.uz

© IMFAKTOR Pages, 2023 йил.

© Муаллифлар жамоаси, 2023 йил.

ПЕДАГОГИК ВА ПСИХОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР

ПСИХОЛОГИЧЕСКИХ И ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЙ | PEDAGOGICAL AND PSYCHOLOGICAL STUDIES

Педагогика фанлари

ИБРАГИМОВ Абдималик Гаппарович

*Абдулла Авлоний номидаги миллий-тадқиқот институти
бўлим мудири, и.ф.н., доцент*

МУРАДОВ Икром Турдибоевич

*Абдулла Авлоний номидаги миллий-тадқиқот институти
катта илмий ходими
<https://doi.org/10.5281/zenodo.7766547>*

МОБИЛ ТЕЛЕФОН – ЎҚУВЧИГА ДЎСТМИ ЁКИ ДУШМАН?!

АННОТАЦИЯ

Бугунги кун янги техника ва технологиялар замонидир. Шу сабабли ўқувчиларда мобил алоқа воситаларидан фойдали мақсадларида, унумли фойдаланиш кўникмасини шакллантиришимиз долзарб масала ҳисобланади.

Калит сўзлар: мобил телефон, интернет, гаджет, ўйинлар, контент, ўқув-методика, платформа.

АННОТАЦИЯ

Сегодня время новых техник и технологий. По этой причине актуальным вопросом является формирование у учащихся умения использовать средства мобильной связи в полезных целях.

Ключевые слова: мобильный телефон, интернет, гаджет, игры, контент, образовательная методика, платформа.

ANNOTATION

Today is the time of new techniques and technologies. For this reason, it is an urgent issue for us to formulate in our pupils the skills of using mobile communication for useful purposes productive.

Key words: mobile phone, internet, gadget, games, content, educational methodology, platform.

«Бугун болаларимизни мактаб, ота-она ёки институт эмас, аксарият ҳолда кўлидаги телефон тарбияламоқда. Мобил телефон энди оддий алоқа воситаси эмас, кўпинча ёт мафкурани тарқатадиган қуролга айланмоқда.

Маънавиятимизга мутлақо бегона бўлган зарарли ғоялар чегарани бузмасдан, билдирмасдан хонадонимизга, жамиятимизга кириб келяпти. Соат сари эмас, минут сари кириб борапти. Буларнинг барчаси биз учун огоҳлик кўнғироғи бўлиб янграши зарур» – дея таъкидлади Ш. Мирзиёев [2].

Бугунги кунда жаҳон олимлари томонидан, инсон омилини фаоллаштириш борасида мавжуд илмий ечинмалардангина фойдаланиб қолмай, мутлақо янги ғоя ва илмий қарашлар ўртага ташланмоқда. Таълим миллат таракқиёти ва келажаги учун энг ишончли сармоя ҳисобланади. Мамлакатимизда иқтисодиётни изчил ривожлантириш, таълим тизимида амалга оширилаётган ишларни демократлаштириш ва эркинлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Республикадаги энг йирик соҳа бўлмиш халқ таълими тизимини барқарор ривожланишини таъминлаш муҳим масала ҳисобланади. Мактабда берилган таълим ва унинг сифати кейинги таълим босқичлари учун пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Шу нарсани қайд этмоқ лозимки, ушбу соҳада ечимини кутаётган бир қатор илмий, методологик ва амалий муаммолар ҳам мавжудки, улар олиб борилаётган илмий тадқиқот ишларини кенгайтиришни талаб этмоқда ва мазкур тадқиқот иши долзарб муаммога бағишланган ва ўрганишга асос бор деб ҳисоблаймиз.

Маълумки, XXI аср янги техника ва технологиялар замони эканлигини таъкидлаш керак. Шунинг учун ўқувчиларда мобил алоқа воситаларидан фойдали мақсадларда, унумли фойдаланиш кўникмасини шакллантиришимиз долзарб масала ҳисобланади. Ота-оналар ва ўқитувчиларнинг фикридан ҳам билиш мумкинки, ўқувчилар камдан-кам ҳолларда гаджетлардан ўқув мақсадларида фойдаланишмоқда. Бунинг салбий оқибатларидан бири шундаки, ўқувчилар реал оламдан узилиб қолиши ва ижтимоийлашув жараёнида катта муаммоларга дуч келиши мумкин. Хўш, нима сабабдан ўқувчилар дарс жараёнида гаджет, жумладан, мобил телефонлар орқали ўзлари учун фойдасидан кўра зарари кўп бўлган контентларни томоша қилиш, турли инсон руҳиятига салбий таъсир қиладиган ўйинларни ўйнаш ва бекорчи хабар, мулоқотларга қимматли вақтини сарфламоқда? Ваҳоланки, дарсдан асосий мақсад илм олиш, ўзлигини англаш, ижтимоий ҳаётда керак бўладиган амалий кўникмаларни эгаллаш эмасми? Бугунги кунда ота-оналар фарзандларига дарс жараёнида мобил телефондан фойдаланишига қандай қарайдилар?

Мобил телефоннинг яратилиши техник тараққиётнинг ҳақиқий инқилобидир. Аммо барча техник тараққиётнинг салбий томонлари ҳам бор. Масалан, кўл телефони инсон соғлигига зарардир [3].

Мобил телефондан чиқаётган нур инсон мия хужайраларига жиддий таъсир қилиб, уни турли хавfli касалликларга дучор этади. Аммо бугунги кунда телефон ўсмирларимиз ҳаётидаги муҳим воситалардан бирига айланган. Кўча-кўйда йигит-қизларнинг кўлидан телефон тушмайди. Тўғри, ҳозир техника асри, техника имкониятлари чексиз. Баъзан катта ёшли инсонлар ҳам телефонда соатлаб гаплашишади. Аслида телефондан фойдаланганда карама-қарши томон саломатлигини билиш учун 4 дақиқа етарли бўлар экан.

Биз чексиз интернет, чексиз телефон имкониятларига ўрганиб қолиб, ўз атрофимиздаги воқеаларга бефарқ қараяпмиз. Виртуал оламда ўз танишларимиз билан соатлаб гаплашяпмиз, камига виртуал оламда севапмиз, дўстлашяпмиз, гулдек оиламизни шу «дўст»лар билан муносабатлар орқали бузаяпмиз.

Ҳозирги кунга келиб бутун дунё уяли алоқа абонентларининг сони 1,9 миллиардни ташкил қилади. Юртимизда деярли ҳар икки кишининг бирида уяли телефон мавжуд. Уяли телефондан фойдаланаётган инсонга унинг таъсири 15 сонияга қадар сезилмайди. Агар сўзлашув ва фойдаланиш вақтини оширсан унда яққол ўзгариш сезилади, чунки альфа тўлқинлар мия фаолиятини ёмонлаштиради ва ўзининг тўлқин хусусиятларини намоён қила бошлайди. Инсон танасининг электромагнит нурланишларга энг таъсирчан қисми бош бўлиб, айнан шу соҳада сўзлашув олиб борилади. Шунинг учун у инсонда нурланиш жараёни тезлашишини яна ҳам орттиради. Мутахассислар сўзлашув жараёнидаги инсоннинг қон босимини ўлчаганида ҳар хил ёшдагиларда босим кўтарилиши аниқланган.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, дунёда ҳар 20 та инсондан биттаси ушбу мобил алоқа нурланишининг қурбонига айланмоқда. 2000 йилда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти уяли телефонлар зарарига оид Европа парламентида тақдим этган ҳисоботида инсонларнинг саратон касалига чалинишида уяли телефонларнинг таъсири кучли эканини таъкидлаган эди. Немис мутахассислари камерали ва камерасиз уяли телефонларда электромагнит нурланиши бўйича тест ўтказишганда, камерали телефонларнинг нурланиши содда уяли телефонларга караганда кўпроқ бўлган. Нурланиш асосан уяли телефондан сўзлашув вақтида чиқади, лекин «кутиш» ҳолатида у нурланишдан буткул халос бўлмайди, чунки уяли телефон база станциясига ўзининг тармоқ доирасида эканлиги, қўнғироқ, SMS ва шу каби маълумотларни қабул қилишга тайёрлиги ҳақида ахборот бериб туради. Буни тунда уяли телефонига «будильник» қўйиб, ёнида олиб ётадиган фойдаланувчилар билиб қўйишлари фойдадан холи бўлмайди.

Уяли телефондан фойдаланиш тартибига келсак, уни сўзлашув вақтидаги «кутиш» ҳолатида кулоқда эмас, балки қўлда ушлаб туриш, шунингдек, метрополитенда, хизмат доирасидан ташқарида, зарур бўлмаса тунда, кераксиз пайтларда ўчириб қўйиш муҳим. Бундан ташқари, уст кийимнинг ичига солиб юриш тавсия қилинмайди. Уни иложи борида қўлда ва ён халтада олиб юриш лозим. Шунингдек, уяли телефонни ёш болалардан узоқда тутиш керак. Саратон хасталигини ўрганиш бўйича халқаро агентлик ва Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти мобил телефонлар одамларда хавфли ўсмаларни келтириб чиқаришини биринчи марта эътироф этди. Шу чоққача бу ҳақда фақат тахминлар айтиб келинган бўлса, эндиликда нуфузли халқаро ташкилотлар ҳам қўл телефонларининг зарари ҳақида узил-кесил фикр билдиришди.

Электромагнит тўлқинлари ҳамиша саломатлик учун зарарли, деб ҳисоблаб келинган. Агар у тўғридан-тўғри ҳар куни кулоққа йўналтириб турилса, унинг ичкарасидаги эшитиш ҳамда кўриш аъзолари (кўз тўрпардаси) фаолиятини таъминлайдиган асаб тўқималарига таъсир кўрсатади. Баъзи одамлар гоҳо кунига соатлаб мобил телефонини кулоқларидан олишмайди. Бу организм учун ниҳоятда оғирлик қилади.

Бош мия тўқималарининг зарарланиши, айрим тадқиқотчилар фикрига кўра, бирданга эмас, балки орадан 15-20 йил ўтгачгина аниқ намоён бўлади. Шу сабабли улар яқин келажакда бош мия ўсмаси билан хасталанган одамлар сони кескин ошиб кетади, деб ҳисоблашмоқда. Негаки, ҳар куни атиги 15 дақиқа мобил телефонда гаплашишнинг ўзи мияда саратон ўсмаси ҳосил бўлиши учун етарлидир.

Демак, бу каби электромагнит нурланиш ҳосил қиладиган воситалардан фойдаланишни мўътадил ҳолатга келтириб олсак, ўзимиз ҳамда наслимиз соғлигини асраган бўламиз.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 21 майдаги “Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида мобил телефонлардан фойдаланишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида” 139-сон қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида мобил телефонлардан фойдаланиш тартиби тўғрисида Низом талаблари ишлаб чиқилган. Ушбу Низом, идоравий мансублигидан қатъи назар, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасаларида мобил телефонлардан фойдаланиш тартибини белгилайди ҳамда сифатли таълим олиш ва касбий тайёргарликка эга бўлишда, давлат ва жамият манфаатлари йўлида ўқувчи ёшларнинг соғлигини сақлашда хавф-хатарларни камайтиришда ўқувчилар ва талабаларнинг конституциявий ҳуқуқларини таъминлашга йўналтирилган [1].

Ушбу ҳолатларни ўрганиш мақсадида, А.Авлоний номидаги миллий-тадқиқот институти томонидан “Мобил телефон – ўқувчига дўстми ёки душман?” мавзусида <https://t.me/avloniyuz> [5]. ва https://t.me/raqamli_pedagogik_xizmatlar институт каналларида онлайн сўровнома ўтказилди [6]. 10 кунлик муддат натижаларига кўра, 95 400 нафардан ортиқ фойдаланувчилар сўровнома саволлари билан яқиндан танишиб, улардан 21 400 нафари овоз беришган.

Сўровнома натижалари шуни кўрсатдики, биринчи савол бўйича “Кўнғироқлар, хабарлар, ижтимоий тармоқ, ўйин ва бошқалар ўқувчиларнинг фикру-хаёлини дарсдан чалғитади” деган жавоб 52% овоз билан энг юқори кўрсаткични қайд этган. Жуда кўпчилик ўқитувчилар, ота-оналар ушбу фикрни тасдиқлашмоқда. Энг кам кўрсаткични эса 16% овоз билан “Телефондан фойдаланиш маданиятига риоя қилинса, дарсларга салбий таъсир кўрсатмайди” дея баъзи ўқитувчилар, ота-оналар таъкидлашмоқда.

Фарзандингизнинг мобил телефонини қанча муддатда текшириб турасиз? – дея ота-оналардан фикрлари сўралганда, уларнинг 59% фарзандининг мобил телефонини ҳар куни текширишини, 24% умуман текширмаслигини ва 17% эса ҳар ҳафтада текшириб туришини билдиришган.

Сўровномада иштирок этган ота-оналарнинг 76% ҳар куни ёки ҳар ҳафтада фарзандининг қўл телефони текшириб туришини айтишган бўлсада, юқорида айтилган салбий оқибатларнинг мавжудлигини ота-оналарнинг ўзлари ўқитувчилар билан бирга тасдиқлашмоқда. Шунингдек, ота-оналарнинг 24% фарзандининг қўл телефони умуман назорат қилмаслиги эса жиддий муаммо ҳисобланади.

Сўровноманинг навбатдаги саволида энг юқори кўрсаткич 63% бўлиб, унда ўқувчиларнинг кўпчилигини Интернет(YouTube, Tik tok, Telegram ва бошқалар)нинг шайдоси бўлиб қолаётганлигини яна бир бор исботини кўришингиз мумкин. Ушбу саволдаги энг кам овоз 24% кўрсаткич билан “Фақат дарс тайёрлаш, синф машғулотлари учун ишлатишмоқда” дея қайд қилинмоқда. Бундан кўриниб турибдики, бугунги куннинг айрим ўқувчиларида билим олиш охириги ўринга тушиб қолмоқда.

Сўровноманинг сўнгги саволи юзасидан таҳлиллар шуни кўрсатадики, ўқитувчилар, ота-оналардан фикр сўралганда улар бир овоздан 84% овоз билан қўшилишини, 13% қўшилмаслигини ва 3% эса фарқи йўқ эканлигини таъкидлашди. Демак, ота-оналарнинг ҳам кўпчилиги фарзандларини ўз вақтида, меъёрида ва ўқув мақсадларида мобил телефони ишлатиши тарафдори экан.

Юқорида қайд этилиб ўтган қарорда мактабга кириб келишда ҳар бир ўқувчи, ходим ва бошқа шахслар ўз телефони овозини тўлиқ ўчириб қўйиши (телефонни «овозсиз» режимга ўтказиши) шарт [4].

Мактабларда ўтказиладиган ўқув машғулотлари ва тадбирлар (сафланиш, тарбиявий соатлар, байрам, спорт тадбирлари ва шу кабилар) бошланишидан олдин ўқувчилар:

- телефони ўчириб қўйиши;
- телефони портфели, сумкаси ва шу кабиларга солиб қўйиши шарт;
- Ўқитувчилар ва бошқа ходимлар;
- ўқув машғулотлари вақтида телефондан фойдаланиш ҳуқуқига эга эмас;
- дарсдан ташқари вақтда таълим олувчилар иштирокида телефондан фойдаланишни имкони борича чеклашлари шарт.

Ўқувчиларга машғулотлар ва тадбирлар оралиғида фақат асосли ва кечиктириб бўлмайдиган зарур ҳолатларда ота-онаси, яқин қариндошлари, мактаб раҳбарлари ёки ходимлари билан зудлик билан боғланиш мақсадида телефонлардан фойдаланишга (қўнғироқ қилишга, SMS, MMS, GPRS жўнатишга, Bluetooth, Интернет ва шу кабилар хизматидан фойдаланишга) рухсат этилади.

Машғулотлар ва турли тадбирлар оралиғида телефон орқали сўзлашиш учун хонадан йўлакка ёки фойега чиқиш, паст овозда ва қиска мулоқот қилиш зарур. Фавқулодда вазиятлар вужудга келган тақдирда таълим муассасаларида телефондан фойдаланиш чекланмайди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки:

- ✓ ижтимоий тармоқларнинг савияли контентлар билан тўйинтирилмаганлиги;
- ✓ илмий, бадиий, ўқув-методик ва бошқа шу каби манбалар мавжуд бўлган бўлган платформаларнинг камлиги;
- ✓ беш ташаббусни ўқувчилар орасида оммалаштириш бўйича сусткаштлик;
- ✓ ўқитувчилар билими ва дарс ўтиш методикасидаги камчиликлар;
- ✓ кўпчилик ота-оналарнинг ўзларида гаджетлардан тўғри фойдаланиш кўникмасининг етарли эмаслиги, бу борадаги муқобил янги ғоя ва илмий ечинмаларни ўртага ташлаш ҳамда уларни татбиқ этиш усуллари ишлаб чиқиш лозим.

Лекин бир нарсани унутмайлик, умумтаълим мактаб ўқувчиларининг мактаб ҳудудида мобил телефон ишлатиши ёки ишлатмаслиги, уларнинг замондан орқада қолиши ёки қолмаслигига асло сабаб бўлмайди.

Шу ўринда яна бир ҳақиқат, қарсақ икки қўлдан чиқади дейишади, доно халқимиз. Демак, ўқувчилар, фарзандлар таълим-тарбияси, уларнинг келажакда етук инсон бўлиб етишиши учун фақат ўқитувчилар эмас, ота-оналар ҳам биргаликда ҳаракат қилиши зарур ва шарт деб ўйлаймиз.

ИҚТИБОСЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 21 майдаги “Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида мобил телефонлардан фойдаланишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида” 139-сон қарори
2. <https://m.kun.uz/news/2021/01/19/bolalarimizni-telefon-tarbiyalayapti-prezident-bu-masalaga-jiddiy-etibor-qaratish-zarurligini-qayd-etdi>
3. <https://zarnews.uz/post/mobil-telefon-foydalimi-yoki-zararli>
4. <https://advice.uz/uz/document/1744>
5. <https://t.me/avloniyuz>
6. https://t.me/raqamli_pedagogik_xizmatlar

ISSN: 2181-4066
DOI Journal 10.56017/2181-4066

ПЕДАГОГИК ВА ПСИХОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР

I-ЖИЛД, 3-СОН

ПСИХОЛОГИЧЕСКИХ И ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-I, НОМЕР-3

PEDAGOGICAL AND PSYCHOLOGICAL STUDIES

VOLUME-I, ISSUE-3

«Педагогик ва психологик тадқиқотлар» электрон журнали 2022 йил 22 декабрь куни № 054834-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «IMFAKTOR Pages» масъулияти чекланган жамияти.

Таҳририят манзили: 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2-уй.

Телефон номер: +99894-410 11 55

Эл. почта: tahririyat@imfaktor.uz

Веб-сайт: www.imfaktor.uz